

*Nurmatova Iroda, lecturer,
Mamarozikova Mohira, student,
Fergana state university*

*Нурматова Ирода , ўқитувчи,
Мамарозиқова Моҳира, талаба,
Фаргона давлат университети*

*Нурматова Ирода, преподаватель,
Мамарозикова Мохира, студент,
Ферганский государственный университет*

“СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ”

“ЗДОРОВАЯ СЕМЬЯ — ЭТО ЗДОРОВОЕ ОБЩЕСТВО”

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақола, оила ва жамиятнинг чамбарчас боғлиғлиги ҳақида дейишимиз мумкин. Бугун замон биздан маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш масаласига чуқур илмий ёндашувни, муаммо ечимида инновацион усулларни қўллашни, соҳада илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари билан амалий ҳамкорликда иш олиб боришни талаб этмоқда. Кучларимизни бирлаштиришмасдан туриб уларни бартараф этиш сира мумкин эмас.

Калит сўзлар: маҳалла , оила, жамият, ота, соғлом фикр, яхши ахлоқ, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар, таълим

Оила — мўъжаз ватан, демак, фарзандларимиз бу муқаддас маъвода ўсиб-улғайиши, илм чўққиларини эгаллаши, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб тарбияланиши лозим. Бундай фарзандлар ҳар қандай вазиятда ҳам аҳд-паймонида қатъий туради, эл-юрт фаровонлиги йўлида садоқат билан меҳнат қилади. Модомики, фарзандларимиз етук инсонлар бўлишини истар эканмиз, улар намунали оилада камол топиши ҳақида қайғуришимиз айни заруратдир..

Инсон аввало оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Фарзанд оилада жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбияланиши, соғлом фикр, яхши ахлоқ билан қуроллантирилиши лозим. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий кадриятлар кейинчалик одамлар орасида маҳалла-куйда, таълим муассасаларида сайқал топади. Оилада соғлом муҳитни яратиш, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, фарзандларга чуқур билим асосларини ўргатиш, уларнинг маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш, касб-ҳунар эгаллаб, жамиятга нафи тегадиган инсон бўлишида ота-онанинг ўрни беқиёсдир. Ҳар томонлама баркамол, комил инсонни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда рўй бераётган муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ёшлар онгига таъсир қилмасдан қолмайди.

Айниқса, ушбу ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш ўсмирлар орасида қаровсизлик, тартиббузарлик, жиноятчилик ва шунга ўхшаш маиший бузуқликлар билан шуғулланишнинг олдини олишда муҳим тарбия воситасидир. Боланинг қандай инсон бўлиб вояга етиши ота-она тарбияси ва атроф – муҳит таъсирига боғлиқ. Бола тарбиясида уларнинг ёш жиҳатига, руҳият ва тушунчасига, феъл-атворига алоҳида аҳамият бериш зарурдир.

Оилавий муносабатлар ва маънавий-ахлоқий меъёрлар инсонни ҳайвондан фарқ қилувчи энг муҳим хусусияти саналади.

Инсон ўз ақли туфайли бутун коинот, табиат тараққиётида буюк яратувчи куч сифатида намоён бўлади, ўз тарихини яратади, уни авайлаб-асрайди. Инсон фаолияти ва тажрибалари жамиятнинг такомиллашуви ва кишиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

Табиат ва жамиятдаги ўрни, аҳамияти, яратувчанлик моҳияти, олий мавжудот экани, ворисликнинг давомийлигини таъминлаши, барча ижобий ҳамда фойдали ютуқларни сақлаши, тарғиб этиши каби хусусияти, қобилияти туфайли инсон муқаддас ва табарруқ кадрият ҳисобланади.

Инсон таълим-тарбия, меҳнат, ўзаро мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, билим, турли муносабатлар, ахлоқий-маънавий меъёрлар, сиёсий

карашлар таъсири остида фаолият юритади, уларни ўзлаштиради ва шу жараёнда аста-секин ижтимоийлашиб боради, яъни шахс бўлиб шаклланади. Натижада инсонда ирсий бўлмаган янгича фазилатлар пайдо бўлади. У яратувчан мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек: "..Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир". Ушбу талаб асосида мамлакатимизда насли тоза, жисмонан соғлом, билим ва тафаккури ўткир, маънавийтли, аниқ касбга ва мутахассисликка эга, ғоявий собитқадам фарзандлар, яъни баркамол авлод модели яратилди ва уни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.Эндиликда ёшлар миллати, халқи, қолаверса, ўзи ва оиласи манфаатлари учун эркин меҳнат қилиш имкониятига эга бўлди. Бундай муҳим ижтимоий ўзгаришлар мустақил давлатимиз Конституциясида, "Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси" ва бошқа тегишли қонунларда умуминсоний кадриятларга мувофиқ равишда мустаҳкамлаб қўйилган. Буларнинг барчаси ёшларда янгича тафаккурни, миллий, ижтимоий-сиёсий онгни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шундай экан, ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган, оилада – ота-оналар, маҳаллада – қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида – ўқитувчи ва мураббийлар келгуси авлод баркамоллиги ҳамда ўғил-қизларимизнинг улуг аждодларимизга хос оқил бўлишлари учун масъулдирлар.Хуллас, тарбия ишларини ҳамкорликда олиб борилиши доимо ижобий натижа берган. Ушбу ишларни тизимли олиб бориш ва мувофиқлаштиришга бўлган эҳтиёж бугунги таълим-тарбия жараёнига масъул вазирлик, манфаатдор ташкилот ва идоралар олдига долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бугунги кунда рўй бераётган муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ёшлар онгига таъсир қилмасдан қолмаслиги ҳамда ҳозирги таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган ёш авлод эртага бизнинг

қўлимиздан ишимизни оладиган, ҳаётимизни давом эттириб, ўзидан кейинги авлодга етказувчи ворислар эканлиги айни ҳақиқатдир.

Шундай экан, ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган ўзаро чамбарчас боғлиқ уч омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур тарбия тизими асосида юртимизда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Муҳтасар қилганда, тарбия – туб моҳияти билан жамият кўламида амалга ошириладиган ишдир. Ҳар бир болага муносабат ота-онанинг ҳам, ўқитувчининг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам миллатга, Ватанга бўлган муносабатини акс эттиради. Демак, тарбияни фақат оилага, таълим муассасасига ташлаб қўймай, бутун жамоатчилик ҳамкорлигида, яъни давлат ва нодавлат ташкилотлари яқин ҳамкорликда иш юритсагина, ўсиб келаётган ёш авлод баркамол, ҳар томонлама етук бўлиб этишади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 491 б.
4. Nurmatova, I. (2019). A Student-Centered Approach is a Key Area of Teacher Training in the Context of Globalization and Integration of Education. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 15(1), 09-13.

5. Nurmatova, I., Nabieva, H., & Sirojiddionova, M. (2020). Challenges of child personality in a defective family. In *Наука сегодня: теоретические и практические аспекты* (pp. 39-40).

6. Nurmatova, I., Tillaboeva, S., Vaxobova, G., Mamatobilova, A., & Abdubannopova, S. (2021). THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FUNDAMENTALS OF INCREASING THE EXPORT POWER OF THE REGION. *Экономика и социум*, (3-1), 215-217.

7. Алимов, У. Х., & Нурматова, И. А. (2020). ВЛИЯНИЕ НОВОЙ КОРОНОВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ COVID-19 НА ПСИХИЧЕСКОЕ ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА. *Экономика и социум*, (11), 438-442.

8. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018)* (pp. 1368-1372).

9. Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS. *Журнал естественных наук*, 1(1).

10. Каримов, Ў., & Каримова, Г. (2021). АХБОРОТ ОҚИМИ ВА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. *Scientific progress*, 2(3), 743-750.

11. Umaralievich, K. U. SPIRITUAL EDUCATION OF STUDENTS OF PEDAGOGICAL UNIVERSITIES ON THE BASIS OF CULTURAL AND HUMANISTIC APPROACH.